

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz

www.adolat.uz

№16 (821)

2011 йил, 8 апрель, жума

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустақамлланиши натижасида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг жадал ривожланиши кузатилди.

АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Концепцияда тақлиф этилган ахборот ва сўз эркинлигини янада таъминлаш чоралари босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давомидир

Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз Сайловолди дастурида замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, маҳаллий телефон алоқасининг рақамли тармоқларини ривожлантириш, Интернет тармоқидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш каби қатор масалаларни амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйган.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОНА ТИЛИГА МУНОСАБАТ

ёки давлат тилининг ижтимоий ролини оширишга доир чора-тадбирлар хусусида

...оммавий ахборот воситалари(радио, телевидение, матбуот)да эшиттириш, кўрсатув ва материалларни ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилган ҳолда, уларни юқори савияда тайёрлаш ва бошловчилар ҳамда журналистларнинг нутқ маданиятини ошириш устувор вазифалардан бўлиб қолмоғи керак.

2-бет

4-бет

7-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюқ тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айёмдир. Бу йил Ватанимиз мамлакатимиз истиқлолининг шонли санасини — миллий мустақиллигимизнинг йиғирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан қутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.


Тарихан қисқа бир даврда аввало эл-юртимизнинг хоши-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона механизми эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

Айниқса, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик

жамиятини барпо этиш, иқтисодийтимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқро майдонда нуфузи тобора юқалиб бораётгани, туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибори марказида бўлиши зарур.

Давоми 2-бетда >>



Буюк саркарда тутган сиёсат

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Сайфутдин ЗАЙНУТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори, Музаффар ТОЖИБОВ, мазкур академия ўқитувчиси.

“Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарий ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”.

Ислом КАРИМОВ

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шухрат қозонишида бош омиллар — саркардалиқ даҳоси, ҳарбий истеъдод ва маҳоратдир.

Буюк саркарда зукко сиёсатдон ва йирик арбоб сифатида салтанат ишларида тўрт нарсаси амал қилди: **кенгаш; машварат; катъий қарор, тадбиркорлик, хушёрлик; эҳтиёткорлик.**

Баъзи бир маълумотларга қўра, Амир Темур ўзининг марказлашган давлатини бошқариш жараёнини 31 та муҳим кенгашлар асосида ташкил қилган. Мазкур кенгашлар оралиғида бўлиб ўтган қурултойлар эса алоҳида диққатга сазовор. Уларда амирлар, шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар, маъмурий

раҳбарлар, молия муассасалари мутасаддилари, баҳодир жанчилар иштирок этиб, мамлакат ва давлатнинг ҳужалиқ соҳасидаги ҳамда ҳарбий аҳоли ҳақидаги энг муҳим масалаларни муҳокама этганлар, қарорлар қабул қилишган. Бу ҳақда Соҳибқирон ўз «Тузуқлар»ида шундай деб ёзади: **«Ишларнинг барини кенгаш билан юритиб, уни бажаришда тўғри тадбир қўллар эдим. Кенгаш икки турли бўлур эди, бири тил учиде айтилгани, иккинчиси юракдан чиқаргани, тил учиде айтилганини (шунчаки) эшитардим, юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим кулоғида куярдим ва дилимда жойлардим».**

Давоми 8-бетда >>

Фуқаролик жамияти — адолат таянчи

Минбар

Исмом САИФНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси.



Мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аҳолининг турмуш даражасини, фаровонлигини ошириш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай юксак марраларни забт этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини жадал ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, фуқаролик жамияти институтларининг ривожисиз адолатли фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида **«Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, соци-**

ал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда», деб алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган стратегик аҳамиятга эга мазкур Концепция, шубҳасиз, Ўзбекистон тараққиётида янги босқич бошлангандан далолатдир.

Маълумки, мамлакатда демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари тубдан қисқартирилди, бошқарув номарказлаштирилмоқда, ваколатлар

босқичма-босқич юқоридан қўйга берилмоқда.

Қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислох қилиниб, икки палатали Олий Мажлис — парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган Сенат шакллантирилди.

Сиёсий партияларнинг олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органи фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ортди, партияларро соғлом рақобат тобора ривожланиб бормоқда.

Давоми 3-бетда >>

Тадбир

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти матбуот хизмати.

Соҳибқирон бунёд этган салобатли саройлар, мадрасаю мақбаралар, боғлар олти ярим аср ўтибдики, айни кунларда ҳам қадимий ва навқирон шаҳарларимиз кўркига-кўрк қўшиб турибди. Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Зангиота мақбаралари, Оқсарой, Шоҳизинда архитектура ёдгорликлари, ўнлаб гўшалар, боғлар — унинг ақл-заковати тимсоли, иқтисоди ва юксак эстетик дидидан ёрқин далолат.

Пойтахтимиздаги А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маланият институтиде Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши ташаббуси билан «Ислохотлар инсон манфаатлари учун» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Нурбек АБДУХАШИЛОВ, «Adolat» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари, профессор ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган тадбирда Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-

Қутлуғ санага муносиб тадбир

Айни кунларда юртимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлар, асрларга тенг бунёдкорликлар, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳасида эришилётган ютуқлар ҳам улуг бобомиз танлаган йўл, бошлаб берган эзгу анъаналар давомига ўхшайди, гўё.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг жамиятимизда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларда ўз позициясини тўлақонли акс эттирган ширларидан бири ҳам улуг бобомизнинг «Куч — адолатдадир!» деган ғоясидир.

Партиянинг Тошкент вилояти

Кенгаши Оққўрғон тумани ҳудудидаги Шоҳруҳия шаҳристониде «Олтин мерос» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Соҳибқирон таваллудининг 675 йиллиги олдидан анжуман ўтказди. Унда тарихчи олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, «Амир Темур» жамғармаси мутасаддилари, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсад, — деди «Амир Темур» жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Муҳаммад Али, — ёшларимизга маънавий озуқа беришдан иборат.

Қолаверса, кенг жамоатчилик эътиборини яна бир бор Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятига қаратишди. Бугунги тадбиримиз айнан Шоҳруҳия шаҳристониде ташкил этилаётганлигида пур маъно мужассам. Зотан, бу салобатли тарихга боқиб орқали бизнинг кўз ўнгимизда буюк бобокалонимиз Темур ҳазратлари гавдаланади.

Тадбирда сўз олган ёшлар Амир Темур ҳаёти, ижоди, у қолдирган меърослар ҳақида билганларини тўлқинланиб гапириб беришди. Ва шундай буюк зот авлоди эканлигидан фахрланишларини тўртликлар орқали ифодадилар.

Ислохотлар инсон манфаатлари учун

вожлантириш концепциясининг асосий йўналишлари ва унинг мазмун-моҳияти, «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш институтларини демократлаштириш ислохотларини муҳим тамойили», «Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш соҳасидаги тажриба ва истиқболлар» каби мавзуларда мавзулар тингланди.

Таъкидланганидек, Концепцияда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинган. Айни пайтда унда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жа-

миятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Зеро, илгари сурилган йўналтирилган асосий стратегик мақсадимизга эришишга, яъни иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ҳамда бутун дунёда ҳурмат эътибор қозongan, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, балки амалда олий қадрият саналган адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар жамият-

да қонун устуворлигини таъминлаш, одил-судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда ишончли ҳимоя этишга хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов. — Шу маънода, Концепцияда айнан суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил институтга айлантириш заруратига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Давоми 4-бетда >>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

« Давоми. Боши 1-бетда

Айни шу вазифаларни инобатга олган ҳолда ва байрам тадбирларини ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юқори савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича иходий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Байрамни ўтказиш билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари ва тадбирларни «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган шior остида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) томонидан:

комиссия ййгилишларида дастурда белгиланган чоратадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қандай амалга ошириладигани юзасидан маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи мунтазам равишда эшитиб борилсин; байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилсин;

мамлакатимиз ёшлари — умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режаси амалга оширилсин;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинларини (Термиз шаҳрида), мамлакатимиз ёшлари иштирокида «Биз — йигирма ёшда» форумини, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида спорт турлари бўйича «Мустақиллик кубоги» мусобақалари ва марафонини

юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин; анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалини, ёш ижрочилар ўртасида «Нихол», истеъдодли ёшлар ўртасида «Келажак овози», журналистика соҳасида «Энг улуг, энг азиз», «Олтин қалам», «Озод юрт тўлқинлари», замонавий санъат ва фольклор ижодиёти соҳасида «Навқирон Ўзбекистон», «Асрлар садоси» республика танловларини, шунингдек, янгитдан ташкил этилаётган «Истиклол тарих кўзгусида» (мустақиллик тарихини ёритишга бағишланган энг яхши илмий ва илмий-оммабоп ишлар учун), «Ватан учун яшайлик» (насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар учун), «Сени куйлаймиз, замондош!» (театр санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), «Истиклол солномаси» (кино санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), «Ранглар жилосида — она диёр» (тасвирий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун) танловларини юқори даражада ўтказиш таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган янги кўрик-танловларни ўтказиш тартиби, мукофотларнинг миқдори ва даражаси, голибларни аниқлаш ва тақдирлаш мезонларини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақилликнинг йигирма йиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламли ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳларини ташкил этилсин ҳамда уларнинг белгиланган режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларига:

ўн кун муддатда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузиш ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган вазифаларни аниқ белгилаб бериш;

жойларда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишда янги ижодий кучларни, истеъдодли ёшларни кенг жалб этиш вазифаси юклатилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда, расмиётчилик ва баландпарвозлик кўринишларидан холи тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азизов) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни ўз вақтида молиялаштириши таъминлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 6 апрель



Ижтимоий шериклик — фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим тамойили

Парламентда

Шоҳида ДАМАНОВА, «Адолат» мухбири.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга ошириладиган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларини белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор», деб таъкидланган эди. Айни пайтда мазкур қонунни ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ва экспертлар гуруҳи тегишли материалларни тўplash, жойларда жамоат ташкилотлари фикрини ўрганиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар тақдим этган таклифларни умумлаштириш юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ижтимоий шериклик — фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим тамойили» мавзудаги давра суҳбати ҳам бу борада амалга ошириладиган ишларнинг узвий давоми бўлди. Унда депутатлар, профессор-ўқитувчилар, Касаба уюшмалари федерацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раиси Исмоил Саифназаров кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларда қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, замон талаблари даражасидаги меҳнат шарт-шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратиладиганини, айниқса, бу борада партиянинг бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва касаба уюшмалари билан ижтимоий шерикчилигини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бориладиганини қайд этди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичи бошланганидан даволатдир. Мазкур Концепциянинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа — дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишда асос бўлиб хизмат қилади. Маълумки, ишбу дастуриямал маърузада нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шериклини кучайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жараёнда «Адолат» СДПнинг

жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

— Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилиш ва ўз навбатида, амалдаги қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилди, — деди давра суҳбатида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойша Ахунова.

— Унда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Мазкур қонун фуқаролик жамияти институтлари ҳаракатини кучайтирибгина қолмай, балки давлат органларига бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш учун муайян қўлайликлар яратди. Айни чоғда ушбу ҳужжат фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми сифатида

ларига, яъни касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига таянган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни режалаштирган. Ушбу вазифани муваффақиятли амалга оширишда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, тадбирда таълим ва Фан ҳодимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят Кенгаши раиси Муъссар Раҳимова сўзга чиқди.

— Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга ошириладиган ислохотларга касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда, — деди нотик. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги «Харакат дастури» қабул қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири сифатида «Бозор иқтисодиётининг асосий субъектлари — иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ҳамкорлиги ва манфаатларининг муштараклигига қаратилган ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчанлигини оширишга эришиш» белгиланган. Дастурда яна «Ҳуқуқат, Савдо-саноат палатаси (иш берувчилар), касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари таркибидан ваколатли Миллий уч томонлама комиссияни ташкил этиш ҳамда Бош келишувни тузишга алоҳида эътибор» белгиланган эди. Ҳозирги кунда, айтишимиз мумкинки, бу вазифалар амалга оширилди. 2011 йил биринчи бўлиб Хоразм вилоятида Трипартизм тизимини ҳаётга татбиқ этишга эришилди. Шу ўринда трипартизм тамойили ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Трипартизм — давлат — тадбиркорлар — касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалга оширилиши, ижтимоий шерикликнинг намоён бўлишидир. Унга қўра, давлат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, иш берувчилар бирлашмалари, хуллас, меҳнатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилувчиларнинг барчаси билан ҳамкорлик қиладилар.

Давра суҳбатида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш юзасидан олинган таклифлар ҳамда бу йўналишдаги хорижий давлатлар тажрибаси атрафлича таҳлил этилди ва уни такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган гагддаги вазифалар белгилаб олинди.



муҳим ўрни бор. Партия томонидан ўтган вақт мобайнида ўз электорати саналмиш — меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўналишларида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда,

ҳам хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда ижтимоий шериклик жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини адолат тамойиллари асосида мувофиқлаштириб турувчи омилга айланмоқда.

— Партияимиз сайловолди дастурида ижтимоий ривожланиш дастурларини кенг жамоатчилик текширувидан ўтказиш, биринчи навбатида, туман, шаҳар микросида жамоат назоратини кучайтиришга доир чоратадбирларни амалга ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган, — деди И.Саифназаров — Бу борада партия ўзининг ижтимоий шерик-

Дастурий вазифалар ижросида фаоллик

Жараён

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиб келмоқда. Партиянинг ҳудудий ташкилотларида амалга ошириладиган ижтимоий характердаги амалий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай тадбирлардан бири партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилди.

Шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги Усмон Юсупов маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари Тохиржон ва Нилуфархонларнинг никоҳ тўйлари ҳамда Хусниддинжон ва Асилбекларнинг суннат тўйлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Айни вақтда Гулистон шаҳар кенгашида партияимиздан сайланган 6 нафар депутат фаолият юритмоқда, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Шерзод Бобожонов. — 817 нафар аъзоларимиз 16 та БПТларга бирлашган. Фаол депутатларимиз, аъзоларимиз томонидан ижтимоий ҳимояга қаратилган қўллаб-тадбирлар уюштирилмоқда. Мазкур

тадбиримиз ҳам фаол аъзоларимиздан бири, тадбиркор Нарғиза Улмасованинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилди. Бугун сайловчилар тадбирлар сонига эмас, балки амалий ишларга қараб фаолиятга баҳо беришмоқда. Ана шунини тўла ҳис қилган ҳолда турли мавзуларда амалий тадбирларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Фаолиятини бошлаганига кўп бўлмаган яқна тартибдаги тадбиркор Нарғиза Улмасова бугун имкони борича ҳамшаҳарларининг оғирини енгил қилишга, уларнинг яхши-ёмон кунларида доимо ёнларида бўлишга интиломоқда.

— Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда яқин кўмакдеш бўлган Ўзбекистон «Адолат»

СДПнинг сайловолди дастурида илгари сурилган инсонпарвар ғояларни ҳаётга татбиқ этишда партия аъзоси сифатида бевоисита иштирокчи бўлаётганлигидан фахрланаман, — дейди тадбиркор. — Қолаверса, мухтарам Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши биз тадбиркорлар кучига-куч қўшди. Ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ҳам фаолроқ бўлишга ундади. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга кенг имкониятлар очиб бериладиган экан, биз ҳам бунга жавобан ўз имкониятларимиз доирасида хайрли ишларни амалга оширишимиз керак, деб ўйлайман.

Шаҳардаги кўркам «Висол» тўйхонасида йиғилган тадбир иштирокчилари мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, кам таъминланган кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, қаровчиси йўқ болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга устувор вазифа сифатида қаралаётганлигини алоҳида эътироф этдилар. Ёшларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.



Жараён

«Чимён» Мацестасида бўлганмисиз?

келинг, яхшиси, шу шифобахш маскан ҳақида ҳикоя қиламиз

Фуломжон ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси Марказий кенгашига қарашли «Чимён» дам олиш ва даволаниш маскани Помир — Олой тоғларининг бир қисми бўлиши — Катрон тоғ этақларида (Фарғона вилоятининг Фарғона тумани) Чимён қишлоғида жойлашган. Денгиз сатҳидан 700 метр баландликда. Доим мавжли, майин шабада кучоғидаги баҳаво, гўзал гўша. Атрофи ўрикзор боғ. Иқлими мўътадил. Маъданли суви шифосини Сочидаги Мацеста сувига менгайдилар. Атрофида ўнлаб табиий минерал булоқлар қишин-ёзин қайнаб туради. Бир ёғи таърифу тавфисифи дoston бўлган Миндон, Водил манзилгоҳлари билан, бир ёғи — Қирғизистоннинг Ёрқўтон музофоти билан чегарадош. Худуди оралаб Шоҳимардон дарёсининг ирмоғи — Олтиариқ сойи оқиб ўтади... Хуллас, Мацеста десангиз — Мацестанинг ўзи...



Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК раҳбарияти гамхўрлиги билан мазкур дам олиш ва даволаниш масканида кўпгина савобли ишлар амалга оширилди: янги-янги бинолар қурилди, эски бинолар қайта таъмирланди, замонавий чойхона ишга туширилди, 100 ўринга мўлжалланган кўтжэ биноси қурилиб ишга туширилди, 2002 йилда бир вақтнинг ўзида 20 нафар дам олувчига хизмат кўрсата оладиган минерал сув билан даволаш мажмуаси фаолият бошлади. 2005-2006 йиллар мобайнида ўтган асрнинг 70-йилларида иш бошлаган II бўлим биноси ҳам капитал таъмирдан чиқарилди.

Хозир «Чимён» дам олиш маскани 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 150 нафардан ошиқ тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда. Улар ҳар йили 4500 нафардан зиёд темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари соғликларини тиклашга хизмат қилмоқдалар. Маскан ташкил топган пайтлардан бошлаб ҳозирги кунгача 47000 нафар дам олувчилар — ҳам дам олишди, ҳам шифо. Булардан 3000 нафарга яқини фахрийлар ва соҳада кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан темирйўлчилардир.

Бу ерда асосан даволаш сероводородли минерал сувлар ва ванналар қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Сувининг ҳар литри таркибиде 330 мг. сероводород мавжуд бўлиб, инсон танасидаги юрак-қон томир тизими, ҳаракат ва таянч аъзолари, тери, ошқозон-ичак ва урология касалликлари даволанади. Шунингдек, аёллар жинсий аъзолари касалликлари ҳам шифо топади.

Булардан ташқари, электр токи ёрдамида ва парафин ҳамда озокерит билан даволаш бўлимлари, уқалаш (массаж) хоналари, фитобар, тиш даволаш бўлимлари, игна билан даволаш хоналари фаолият кўрсатмоқда.



Дам олувчиларга уч маҳал сифатли пархез таомлари тортिलाди. Уларнинг маданий дам олишлари учун сихатгоҳ клубида ҳар куни бепул кино, концертлар уюштирилади ва вилоятнинг турли шаҳар ҳамда зиёратгоҳ жойларига саёҳатлар ташкиллаштириб турилади.

Чимёнга келиб шифобахш сувдан баҳраманд бўлинг, уйингизга бутунлай соғайиб қайтасиз. Бу гаплар тасдиғини пансионатимизнинг «Раҳматномалар» дафтарида дам олувчиларнинг ёзиб қолдирган дил сўзларидан ҳам билиб олишингиз мумкин, — дея дафтари кўлимизга тутқазди у.

«Чимён» пансионати сувини Сочидаги Мацеста суви билан қиёслашганларича бор экан. Бу ерда шундай дам олдики, шифо топдики, ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайди. Айниқса, ҳамширадан тортиб, бош ҳақимгача: ҳаммасининг ширин сўзлиги, очик кўнгил эканлиги, самимийликлари бизда катта таассурот қолдирди...

Жиззах шаҳридаги 1-сон ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари: Дилором Болтаева, Зулфизар Абдулхамидова. «Чимён»га келмасиз, сихаттоҳ нималигини билмасиз. Об-ҳавоси, шароити даволаш бўлимлари, шифокорларнинг дилкаш муомаласи худди орзу қилганингиздек... Жуда-жуда мазмунли дам олиб, уйга рисоладагидай соғайиб, дардларимдан бутунлай фориғ бўлиб қайтаман...

Олтиариқлик Толибжон Шодмонов ва бошқа ўнлаб даволанувчиларнинг ҳам қалб сўзлари шундай миннатдорлик билан тилга олинган.

Қисқаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли «Чимён» дам олиш масканига кўнгли хушлаган киши борки, ҳеч бўлмаганда бир бор келиб кетса, биз таърифни келтирган барча шарт-шароитларни кўз ила қўриб, «Чимён» Оллоҳ азиз қилган юрتلардан бири экан», дейиши турган гап.

Мижозга мададкор, тадбиркорга таянчмиз

Молия муассасаларида

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида тижорат банклари ўрни ва роли беқийс. Президентимиз раҳнамолигида тижорат банклари фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мижоз банк учун эмас, банк миқдори учун, деган широри ўзларига дастуриламал деб билган мамлакатимиздаги тижорат банклари аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари билан эл ишончига сазовор бўлмоқда. Энг муҳими, аҳолининг банкларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб, бўш турган пул маблағларини муддатли омонатларга қўяётган фуқаролар сони кун сайин ортиб бормоқда.



«Asia Alliance Bank» ХОАТБ юртимиздаги ёш ва фаол тарзда ривожланиётган банклардан биридир. Ушбу банк 2009 йил август ойида ўз фаолиятини бошлаган бўлса-да, қисқа давр мобайнида банк хизматларининг барча асосий бозорлари — кредит бериш, қимматбаҳо қоғозлар, пластик картчалар, хисоб-китоб ва касса ижросига оид хизматлар, валюта операциялари, юридик ва жисмоний шахслар ресурслари бозориде ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Тўғри танланган стратегия, изчил молиявий сиёсат, бизнес юритишнинг замонавий услубларига содиқлиги туфайли «Asia Alliance Bank» кучли ва ишончли ҳамкор мақомига эришди.

Банк ўз фаолияти давомида мақтовга арзигулик ишларни амалга оширди ва бир қанча нуфузли халқаро банклар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиб бормоқда. Утган йил банк «Ўз-Карт» тизимига уланди, миқозларга БЕТА — янги «Алянс IVR» хизмат турини тақдим қилди. Қувончлиси, «Asia Alliance Bank» «Ахборот технологияларини фаол ишлатиш» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди ва муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, банк мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, ушбу молия муассасаси томонидан ўтган йили жами 21,8 миллиард сўм кредит берилган. Шундан 19,3 миллиард сўми кичик бизнес хўжалик субъектларига ажратилган. Аҳоли турмуш тарзи фаровонлиги учун эса 205,9 миллион сўм хажмда истеъмол ва 709,8 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари йўналтирилди.

«Asia Alliance Bank» ХОАТБ аҳолига юқори фоизли ва сир сакланиши кафолатланган муддатли омонат турлари жорий этиб келётгани ҳам миқозлар сонининг кун сайин ортиб боришига хизмат қилмоқда. — дейди маркетинг бўлими бошлиғи Наргиза Собирова. — Президентимизнинг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестицион фаолигини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ва улар ҳажмининг йилгига камида 20 фоизга ўсиб боришини таъминлаш мақсадида банк томонидан аниқ режалар асосида иш олиб борилаётгани кўпчилигининг эътирофи сазовор бўлмоқда.

Солиқ

Санжар ҚУРБОНМУРотов,
Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бош мутахассиси.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий солиқ инспекцияларида ҳуқуқимиз томонидан кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалиётга изчил жорий этилмоқда.

Солиқ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ қиммати органлари фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлар амалга ошириш ишлаб чиқилган. Солиқ тизимини модернизациялаш, инновацион технологияларни жорий этиш соҳадаги ислохотларнинг ажралмас қисмидир. Юртбошимизнинг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Солиқ

Айни пайтда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш, солиқ идоралари ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатларини соддалаштириш ва самарадорлигини оширишда, жумладан, солиқ ва молиявий хисоботларни топшириш, қорхона ва ташкилотларнинг бюджет билан ўзаро хисоб-китоби тўғрисида маълумотлар олиш каби жараёнларда интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Ташкент вилоятида ҳам бу йўналишда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қорхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, компаниялар ва фирмаларда хисобот топширишнинг бу усули афзалликлар ҳақида тегишли тушунириш-тарғибот ишлари юритилапти. Бу борадаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозирги вақтда солиқ ва молиявий хисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам қулай интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Ташкент вилоятида ҳам бу йўналишда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қорхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, компаниялар ва фирмаларда хисобот топширишнинг бу усули афзалликлар ҳақида тегишли тушунириш-тарғибот ишлари юритилапти. Бу борадаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозирги вақтда солиқ ва молиявий хисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам қулай интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Хуллас, «Asia Alliance Bank» ХОАТБ мустақил маҳаллий кредит рейтинг баҳосини олиш бўйича ишларни аяқлаб, нуфузли ва халқаро рейтинг агентликларининг баҳосини олиш устида иш олиб борилаётгани банк истиқболдан далолатдир.

Хуллас, «Asia Alliance Bank» ХОАТБ мустақил маҳаллий кредит рейтинг баҳосини олиш бўйича ишларни аяқлаб, нуфузли ва халқаро рейтинг агентликларининг баҳосини олиш устида иш олиб борилаётгани банк истиқболдан далолатдир.

Ташкент вилоятида ҳам бу йўналишда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қорхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, компаниялар ва фирмаларда хисобот топширишнинг бу усули афзалликлар ҳақида тегишли тушунириш-тарғибот ишлари юритилапти. Бу борадаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозирги вақтда солиқ ва молиявий хисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам қулай интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Ташкент вилоятида ҳам бу йўналишда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қорхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, компаниялар ва фирмаларда хисобот топширишнинг бу усули афзалликлар ҳақида тегишли тушунириш-тарғибот ишлари юритилапти. Бу борадаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозирги вақтда солиқ ва молиявий хисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам қулай интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Ташкент вилоятида ҳам бу йўналишда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, қорхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, компаниялар ва фирмаларда хисобот топширишнинг бу усули афзалликлар ҳақида тегишли тушунириш-тарғибот ишлари юритилапти. Бу борадаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, хозирги вақтда солиқ ва молиявий хисоботларни электрон тартибда жўнатиш имкониятига эга бўлган қорхона ва ташкилотлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Шунингдек, жисмоний шахслар учун ҳам қулай интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Жумладан, икки ёки ундан ортик манбадан даромад олувчилар солиқ идораларига электрон декларация топшириш, интернет орқали мол-мулк ва ер солиғи тўлови чиптасини олиши мумкин. Бу орқали жисмоний шахслар солиқ идорасига муружаат этмасдан бевосита банк орқали

Сўнгги саҳифа

Буюк саркарда тутган сиёсат

« Давоми. Бош 1-бетда

Демак, Амир Темуру курултой иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, кўрилайётган масалага оид қабул қилинадиган қарорлар аҳамияти юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳам билдирган. Соҳибқироннинг шиори «Ростирусти», яъни «Куч — адолатда» деган хикмат бўлиб, одамларнинг мансаби, бойлиги, ирки ва эътиқодидан қатъий назар, ҳаммага бирдек адолатда бўлган. Айниқса, давлат бошқаруви ишларидан оддий халқ вакилларининг иштирок этиши — буюк саркарданнинг демократик ғояларга яқин турганлигидан далилат беради. Мамлакат аҳолисининг турмуши фаровонлиги кўп жиҳатдан марказий давлат тизимига ҳамда давлат муассасаларидаги иймонли, инсофли, диёнатли ва ташаббускор одамларга боғлиқ эканлигини саркарда чуқур англаган ва ўз фаолиятида тўрт сифатга алоҳида эътибор бериб иш олиб борган: **биринчиси** — аслик ва тоза наслик; **иккинчиси** — ақл фаросат; **учинчиси** — сипоҳу раияят аҳолидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалаларда бўлиш; **тўртинчиси** — сабр, чидам ва тинчликсеварлик. Айни шу фаилат ва хусусиятларга эга кишилар соҳибқирон фармони билан вазирлик мансабларига тайинланган, мамлакат ишлари улар зиммаларига юкланган.

Амир Темуру ўзидан аввалги давлат қарорларидан фарқли ўларок, давлат ва мамлакатнинг бошқаришда бир ёки икки табақали эмас, балки мамлакатнинг барча аҳоли табақаларига таянган ҳолда иш олиб борди. Хусусан, ҳазрат таянган табақалар: сайидлар (пайғамбар авлоди), уламо, машоих, фозил кишилар яъни зиёлилар; иш кўзини билган донишмандлар; ҳудудий дарвеш кохондорлар; хонзодалар, туманбошиқлар, яъни, ўн минг кишилик қўшин бошиқлари мингбошиқлар —

ҳарбий кишилар; сипоҳ ва раияят, яъни, аскарлар ва авом уламолар; махсус, яъни ўта ишончли кишилар; вазирлар ва саркотиблар; ҳақимлар ва табиблар, мунажжимлар, муҳандислар; тавсир ва ҳадис олимлари; аҳли сановат — хунармандлар, қосиблар; сўфийлар; савдогар ва сайёҳлар.

— «Салтанатим қонунқондаларини — дейди Амир Темуру, — «Темуру тузуқлари» да — шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Шу ўн икки тоифани салтанатим осмонининг ўн икки буржи ва давлатим қорхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим».

Амир Темуру даврида фалсафа, медицина, математика, астрономия, география, тарих, иқтисодиёт ва адабиёт ривожланиши шунчалик кучли эдики, кейинчалик у Европада уйғониш даврига туртки бўлди. «**Ҳеч шубҳасиз**, — деб таъкидлайди инглиз тарихшунос олимаси Хильда Хукэм, — **XV аср дунё тарихини темурийлар даври деб аташ мумкин**».

Дарвоқе, Амир Темуру фан-маданият ривожига кенг имкониятлар яратиб, олимлар-у санъаткорлар, меъморлар, ёзувчилар ва шоирларга алоҳида ғам-хўрлик кўрсатиб турди. Унинг бу олий ҳислатлари қатор салномачилар, жумладан, Ибн Арабшох томонидан қуйидагича зикр этилган. «**Амир Темуру олимларни яхши кўрар, сайиду шарифларни ҳурмат қиларди, уламолар ва фозилларга юксак иззат кўрсатиб, уларни бошқалардан юқори кўяр, уларнинг ҳар бири ҳурматири жойига кўйиб мурувватини аямас эдилар**».

Соҳибқироннинг давлатни бошқариш жараёнида солиқлар ҳақидаги қридаси муҳим аҳамиятга эга. Солиқ солишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш зарурлигини, чунки, халқни хонаварийрон қилиш — давлат хазинасини камбағалликка олиб келиши, бу эса ўз навбатида, хазинанинг

қувватсизлигига, ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, ҳокимиятнинг қудратсизланишига сабаб бўлишига катта эътибор қаратган.

Солиқ тизимини шакллантиришда, энг аввало, Қуръон ва шариат тавсияларига амал қилган. Уларни ҳаётга татбиқ этишда биринчи галда ҳосил ва даромадлар ҳисобига кўра иш тутган. Жумладан, солиқ тўловчиларга энгиллик бериш учун ҳатто «Қалъа» фойдасига бериладиган тортиқни ҳам кенгашиб берилишини назарда тутди. Кўшимча тарзда ҳеч қандай солиқ талаб қилинмаслигини, қузги, баҳорги, киши ва ёғи деҳқончиликдан олинган ҳосил ражланг ўзида қолдирилишини талаб қилади. «**Амир қилдимки**, — дейди Соҳибқирон, — **ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу-жиҳат олинмасин**».

Бундан кўриниб турибдики, темурийлар даврида мамлакатни зироатчилик, хунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор давлатга айлантиришга, пировардида, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга жиддий эътибор берилган.

Президентимиз Ислам Каримов ҳам 2010 йилнинг якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «**Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим бир тадбиримиз — солиқ юқини энгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш буйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўшимча чоралар кўрилганидир**» деб таъкидлаш бежиз эмас.

Дарвоқе, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда солиқ тизимининг ўзига хос ўрни бор. Республикаимизда мазкур тизимнинг ўзига хос моде-

ли яратилган бўлиб, у ўзида миллий анъаналаримиз ҳамда ўтмиш ва ҳажон тажрибаларини бетақор тарзда муҳассамлаштиргани билан катта аҳамият касб этади. Солиқлар давлатнинг барча йўналишларидаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молиявий муносабатлар бўлиб, у давлатнинг устувор йўналишларини ривожлантириш буйича амалга ошириладиган асосий тадбирлар сирасига киради.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида солиқ юқини янада камайитириш борасидаги изчил сиёсат олиб борилаётганини ва 2011 йилда тасдиқланган давлат бюджетидеги солиқ ҳажми 1,2 фоизга, бизнес субъектлари ва микро фирмалар учун ягона солиқ тўлаши эса 2010 йилдаги 7 фоиздан 2011 йилда 6 фоизга туширилиши мўлжалланганини таъкидладилар.

Шу нуқтаи назардан, Амир Темуру мамлакатни маъмурий идора қилиш усулида салтанат ва вилоят маҳкамаларининг бўлимлари ўртасидаги фақат меҳнат тақсимотиғина эмас, балки молиявий ишларнинг тақсимотиғи ҳам аниқли киритган. Даромаднинг қайси бири — салтанат, қайсилари — шаҳар, туман харажатларига сарфланишини аниқ белгилаб берган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Амир Темуру сиёсатда ва марказлашган давлатни бошқаришда иқтисодиётга катта эътибор берган. Зеро, Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридеги Соҳибқирон бобомиз ҳақида «**тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан — ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди**» — дея юксак баҳо берганлар.



Аълочи қиз

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз салоҳияти ва иқтидорини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар самарасини таялим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият

ва бошқа қатор соҳаларда салмоқли ютуқларга эришяётган йигит-қизлар нисолда ҳам кўрини мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентини стипендианти Манзила Иброҳимова ана шундай ёшлардан

бири. У — Бухоро давлат университети хоржий филология факультети магистранти. *Суратда:* Манзила Иброҳимова. **Т.ИСТАТОВ** (ЎЗА) олган сурат

«Оталар мажлиси»

ёшларнинг касб танлашига бағишланди

Тадбир

Ҳолида АБДУРАҲМОНОВА, ўқитувчи.

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузасида «9 синф битирувчиларини касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олишни назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш» ҳақида алоҳида тўхталиб, бу йўналишда соҳа мутасаддиларига масъулиятли вазифалар юклатган эди.

Ушбу вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ҳамкорлигида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Чилонзор туманидаги 162-мактабда бўлиб ўтган «Оталар мажлиси» худди шу мақсадда ташкил этилди. Унда 8-, 9-синф ўқувчиларининг оталари, туман касб-хунар коллежлари вакиллари, ўқитувчилар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишлари учун яратилган шарт-шароитларга жавобан улар бор куч-гайрати ҳамда иқтидорини ишга солиб билим олишлари ва бу юксак эътиборга муносиб фарзанд бўлишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида «Вояга етмаган болаларнинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар» деб ёзилган, — деди ўз сўзида мактаб директори Н.Юнусмухамедова. — Ҳар бир ота-она фарзандининг қандай соҳага қизи-

қиши, у келажақда қайси касбни танлашидан хабардор бўлиб, кези келганда уни касбга тўғри йўналтира олиши, бу борада педагоглар улар билан доимий мурожаатда бўлиб туришлари лозим. 9-синфни тамомлаётган битирувчиларнинг ота-оналари олдидеги таълимнинг кейинги босқичини фарзанди билан биргаликда танлаш имконияти мавжуд. Маълумки, оталар ҳар қандай вазиятда адолатли, шу билан биргаликда қаттиққўл бўлишди. Аммо бу қаттиққўллик фарзанднинг касб танлашига ҳалал бермаслиги, бола ўзи қизиққан касбни мустақил танлаши керак. Ана шундагина ёшлар ўз касбининг билимдонлиги бўлиб, юрт равнақиға муносиб ҳисса қўша оладилар.

Тадбирда касб-хунар коллежлари вакиллари йиғилганларни худуддаги академик лицейлар ва коллежлар, таълим йўналишлари, улардаги шароитлар, тайёрланиши лозим бўлган ҳужжатлар, қабулнинг янги тартиблари билан таништириб, махсус тайёрланган буклетлар тарқатишди. Мактаб психологи томонидан ўқувчиларни касбга йўналтириш буйича ўтказилган тест натижалари ҳақида маълумотлар берилди. Оталар ва мутахассислар ўртасидаги савол-жавоблар мажлисининг жонли мулоқот тарзида ўтишига замин яратди.



Ўзбек автомобилларининг бозори чаққон

Назарбек МАЙЛИЕВ.

Uz-Daewoonинг 2010 йил якунларига бағишланган йиллик дилерлик конференциясида таъкидланишича, ўтган йил мобайнида ўзбек автомобилларининг Россия Федерациясидаги сотуви ҳажми 45 фоизга ўсган.

«Ўзбексановат» акциядорлик компанияси матбуот хизматининг хабарига кўра, ўтган йил Россияга 74419 та «Nexia» ва «Matiz» русумли автомобиллар етказиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тамға-

си остидеги автомобиллар Украинада ҳам харидордир бўлиб, сотувлар ҳажми 20 фоизга ўсганини кузатилди.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида эса GM Uzbekistan ЕАЖ Россия бозорига 9798 дона

ўзбек автомобиллини етказиб берди. Бу 2010 йилнинг шу даврига нисбатан қийсанганда 61 фоизга кўп дегани. Европа бизнеси Ассоциацияси автомобиль ишлаб чиқарувчилар Кўмитаси маълумотларида келтирилишича, жорий йилнинг биргина февраль ойининг ўзида савдо ҳажми 70 фоизга ўсиб, 5193 тани ташкил этган. Шу ўринда таъкидлаш лозим, GM Uzbekistan ЕАЖ Россия бозорига етказиб берилган автомобиллар ўн икки йилдан буён бозорда қолди.

Тежамкор электрон автомат

Интеллектуал ишланмалар танловининг ғойибларидан бири, тошкентлик тадбиркор Омон Хожимухамедов кўп қаватли уйларга кириш йўлакчасини ёритишга кетадиган энергияни тежайдиган электрон аппарат тайёрлаган. «ZerkaloXXI» газетасининг хабарига кўра, «акли» автомат электр энергияни йўлакка бирор киши киргандан кейингина ёқди. Киши юқори қаватга етиб олганидан бир неча сония ўтиб лампочкалар ўчади. Албатта, уй-жой мулкдорлари ширкатлари янги қурилманинг асосий харидорлари бўлишлари қутилмоқда.

Интизомни мустақамловчи қурилма

Фаргона вилояти ҳокимияти қошидаги компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш маркази ходими Нуриддин Жўраев муайян қорхонага кираётган ва чиқаётган кишиларни рўйхатга олишга мўлжалланган «Fiksator» номли компьютер дастурини тайёрлаган. Ўзбекистон Давлат патент идорасининг маълум қилишича, инновация ўтиш назорат худудига ўрнатилган компьютер ёрдамида ҳодимларнинг иш жойида бор ёки йўқлигини аниқлашга имкон берибгина қолмай, уларнинг ишга ўз вақтида келишини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Дон нақллар

Деҳқон-ки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... олам аҳли маъмуридин алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот.

Алишер НАВОЙЙ

Деҳқонки, тузлук била дона сочар, Ҳақ бирига етти юз эшик очар.

Алишер НАВОЙЙ

Деҳқончилик қилиб, зироат экиш фойда-ю хайр-барака бир-ла муштаракдир, Ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайди.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

Ўзбек халқ мақоллари

- Бировнинг бергани кўргулик, меҳнатнинг бергани — тўйгулик.
- Бир қўлаб сочасан, икки қўлаб ўрасан.
- Бугдой эксанг, кузда эк, яхши хайдаб бўзга эк.
- Бир бошоқ дон — бир саваг нон.
- Ер — ҳазина, сув — гавҳар.
- Арпа-бугдой ош экан, олтин-қумуш тош экан.
- Ер тўймагунча эл тўймас.
- Кўкларнинг бир кунни йилга татийди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Аҳмедов Усманқул Хайруллаевичга 2009 йилда берилган № 226 рақамли ҳужжат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент алоқа коллежи томонидан 1995 йил 28 ноябрь кунин Хасан Раҳмонов номига берилган №146042 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассиси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмомил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахрирнинг манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

ГАЗЕТА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН 0018 РАҚАМИ БИЛАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

Бoш мухаррир: Худоев МАМАТОВ
Бoш мухаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъууд)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи мухаррир — Қ. Қўлдошев.
Навбатчи — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—400. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-2. Алади — 7945. Босишга топшириш вақти — 23.00. Босишга топширилди — 23.20 1 2 3 5